

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қоралпогистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи
хизмати “Инжиниринг компания” си
директори М. Утемуратов

“ ”

2022й



Коракалпогистон Республикаси Қораўзак тумани "Аллаяр Досназаров" ОФИ
"Темирхан" овул, "Аллаяр Досназаров" ОФИ биносини мукаммал таъмирлаш
лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган обьект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган обьект бўйича танлов эълон қиласди.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 карори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиха, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Танлов мавзуси: 2022 йил "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ижтимоий соҳа обьектлари (МФЙ идораларининг бино ва иншоотлари, маданият марказлари ва маҳалла гузарлари) объектларнинг лойиха – смета ҳужжатларини тайерлаш ишлари.

1.3. Танлов охириги қийматига: лойиха – смета ишлари ҳамда лойиха олди ҳужжатлари(ЗВОС, экологик хулоса, АРТ, обьектни техник урганиш, лойиха қидирав ишлари,)валойиха - смета ҳужжатлари учун "Шаҳарсозлик ҳужжатлари" экспертизаси хулосасини олиш ишларикиритилади.ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.6 Ҳарид комиссияси йигилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

2 Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи –« Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати“Инжинииринг компания” си (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органиҳарид комиссияси(бундан кейин - "комиссия").

2.3 Танлов камида 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган ҳарид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

3.2 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- а) танлов шартлари билан танишиш учун маъсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
- б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ уз таклифини тақдим этиш;

4.2 Күйдаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

- а) Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- б) Инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги;
- в) "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;
- г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ваёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: оферентлар ва буюртмачи ўртасида аффилланганлик хусусияти аниқланганлигига (бунда оферент тақдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррупцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза илова қилинмаса, баҳолаш учун зарур булган маълумотлар тақдим этилмаганда.

4.4. Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- а) Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш(хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг тегишли иш стажигава соҳавий тажрибага эга бўлиши кераклиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага эгалиги, лицензияси объектнинг мураккаблик тоифасига тўғри келиши, ушбу худудда ишлаган соҳавий объектларининг рўйхати, лойиҳаси бош режалари кўрсатилиши лозим, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- б) Ушбу соҳа бўйича ишлаган объектларини рўйхати кўрсатилиши шарт.
- в) Доимий ходимлари, жумладан мухандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши; бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин камида 1 йил иш кўрсатганлиги, тажрибага эга бўлиши, устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар Давлатёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи Давлат еки рустилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Оферент: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Танловтаклифи икки қисмдан иборат:

6.3.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Иловалари ва тасдиқловчи билан).

3-шакл. Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда иш тажрибаси, соҳавий ишлари лойиҳаси рўйхати.

4-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникасининг рўйхати ушбу соҳа тегишли офис техникасининг кўрсатиш лозим (бунда зарур ҳолларда тегишли расмларни тақдим этишни талаб қилишша ҳақли).

6.3.2. Иловаларрўйхати:

1 - илова. Лойиҳаолдивалойиҳасмета ҳужжатларини бажариштаклифи.

2 - илова. Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишларини бажаришграфиги.

6.3.4. Тижорат қисми:

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишининг бошланғич нархи; Лойиҳа олди ва лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишининг муддати; Шартнома лойиҳасидан иборат.

6.4 Шунингдек, иштирокчи барча танлов хужжатларини электрон тарзда тайёрлаши ва маҳсус порталига жойлаштириши керак

6.5 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича ҳарид комиссияси масъул.

7.2 Таклифларни кўриб чиқишида барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда, ҳарид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиши ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Ҳарид комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, ҳарид комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Конун, меъёрий хужжатлар ва танлов хужжатлари талабларига мос равища бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Ҳарид комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Конунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида ҳарид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равища, ёзма равища, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун енг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиби ҳисобланади.

8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги маҳфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қўйидагиларга тегишликурвчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (микдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

10. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлимноми	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Қорақалпогистон Республикаси Вазирларкенгашин гягонабуюртмачихизмати "Инжиниринг компания"си
2.	Объект номи:	Қораўзак тумани "Аллаяр Досназаров" ОФИ "Темирхан" овул, "Аллаяр Досназаров" ОФИ биносини мукаммал таъмиrlashi
3.	Танлов тури:	Электрон
4.	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танлов ўtkазиш тўғрисидаги эълон чоп этишга руҳсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz</i> маҳсус ахборот портали
6.	Танловда иштирок этишга қўйидаги танлов иштирокчиларига руҳсат этилади:	Лицензияга эга лойиха ташкилотлари
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Лойихаолдивалойиҳа смета хуёжсатларинишилабчиқии
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Таклифларни тақдим этиши эълонда кўрсатилган муддатга қадар
9.	Танлов хужжатининг тили:	Давлатва Рус тили
10.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифини тақдим этиши муддати тугагандан 10 кунидан ошиши мумкин эмас
11.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	15 кун
13.	Молиялаштириш манбаси:	Республика бюджет маблаглари ҳисобидан
17.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириши шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ташкилоти учун 30 %; жорий молиялаштириши - базарилган ишларнинг ҳажмидан 100% миқдорида.
18.	Шартнома тили:	Давлат ва Рус тили
19.	Шартнома валютаси:	Сўм.